

решения, осознанный выбор, детерминизм, индетерминизм.

## FEATURES OF THE LEADER'S CREATIVE CHARACTERISTICS IN THE INNOVATIVE DECISION-MAKING PROCESS

Nazarov Azamat Sottarovich,  
Senior Lecturer at the International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Psychology

*Abstract: This article analyzes the role of individual creativity in decision-making activities in management. The essence of the concept of managerial decision of creativity, its main features and influence on the stages of implementation are revealed. In the process of developing managerial decisions, the importance of the personal qualities of the head of a general education institution and the creative features of business behavior is substantiated.*

*Key words: creativity, personality, personnel, individual personality traits, management, decision making, managerial decisions, conscious choice, determinism, indeterminism.*

Кузатишлардан маълум бўлишича, раҳбар ўз фаолияти қарорлар қабул қилиш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбар шахсидаги креативлик компетентлигига боғлиқ бўлади. Раҳбар шахсидаги креативлик бугунги кун таълим жараёнига қўйилаётган замонавий талабалар ечимини бериш билан бир қаторда, иккинчидан умумий ўрта таълим самарадорлигини сифатли оширишга хихмат қилади.

Умумий ўрта таълим муассаси раҳбарининг қарор қабул қилиш жараёнидаги креативлиги - ўрганилаётган аниқ объектлар билан боғлиқ мантиқий, методологик ва ижтимоий фаолияти элементларидан иборат бўлган мустақил фикрлаш компетентликларининг тўплами бўлиб, унга мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш, рефлексия, фаолиятга шахсий баҳо бериш борасидаги билим ва малакаларнинг шаклланганлиги маъносида тушунилади. Масалан, ўрганилаётган объектларга нисбатан раҳбарлар креатив кўникмалар, яъни билимларни бевосита борлиқдан олиш, ностандарт вазиятларда муаммони ҳал этишнинг ҳаракат усуллари ва эвристик методларини танлай билиши қабул қилинаётган қарорнинг муваффақиятини таъминлайди.

Раҳбарнинг ўз-ўзини такомиллаштириш компетентлиги маънавий, мотивацион, интеллектуал ва амалий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириш, иродавий ва ҳиссий жиҳатдан ўз-ўзини бошқара олишга қаратилган бўлади. Раҳбар шахсий манфаатлари ва имкониятларига кўра фаолият усуллари эгаллайди, бу унга ўзида замонавий раҳбарга хос бўлган шахсий ва касбий сифатларини ривожлантириш, тафаккурини, маданияти ва хулқини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам раҳбарнинг компетентлигида креативлик муҳим рол ўйнайди. «Раҳбарнинг креативлик қобилияти» тушунчаси талқинига турлича ёндошувлар мавжуд.

Таълим муассаси раҳбарининг креативлиги - бу раҳбарнинг инновацион ёндашувлари билан шаклланади. Раҳбарнинг креативлиги - ташаббускорликни, самарали мулоқотни, юксак сиёсий ва ижтимоий мавқени, олдиндан кўра олиш интуицияси ривожланганликни ва ташкилот фаолиятининг қаерга йўналишини тезда пайқаб олишлари зарур. Ўзига ишончи бўлмаган раҳбар вазият ўзгариши

билан, ўз қарорини ўзгартириб туради. Бундай раҳбар қўл остида ишлайдиган ходимлар ўз раҳбари тимсолида суянчиқ кўрмайдилар, ташкилотда ўтказаетган кунлари вақтинчалиқдек туюлади. Боз устига, бундай раҳбар ўзгалар билан музокаралар олиб боришга ҳам қодир эмас. Чунки ўз шахсига ва қобилиятига ишонмаган одам ўзгаларда ҳам ишонч уйғота олмайди.

Креативликнинг моҳияти - интеллект инсоннинг ақлий салоҳияти бўлса, креативлик ана шу ақлий салоҳиятни мақсадга йўналтирилган тарзда эркин ишлата олиш қобилияти ҳисобланади. Раҳбарнинг креативлиги – бошқарув жараёнга ижодий ёндашувига айтилади. Креативлик атамаси Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатини билдиради. Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиш;
- ўзига хос лик (оригиналлик)
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастиклик (фантазия)

Креативлик замонавий бошқарувчилар, менежерлар учун ташкилотнинг замон билан ҳамнафас олиб борилишини таъминлаб беради. Чунки, креативлик иш олиб бориш дегани раҳбар ўз фаолиятига ҳар томонлама ёндашиш, яъни ижодий-инновацион ёндашувларни талаб қилади. Демак раҳбар креатив фикрлаб боришини “Раҳбарнинг креатив тафаккури” деб тушунамиз. Раҳбарнинг креатив тафаккурида тараққиёт такомилли, ўсиши, ривожланиши, кегайиши ва мўътадил сақланишининг инструменти, унинг онгли қуроли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан креатив тафаккур замонавий дунёда бошқарувнинг ва қарор қабул қилишнинг энг муҳим функцияларини амалга оширади.

Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг креатив тафаккури:

- Ақлнинг пешқадамлиги
- Тезликда қарор қабул қилиш
- Қарорларни қабул қилишдан чўчимаслик
- Иш вазифаси ва соҳасига содиқлик
- Тафаккурнинг эгилувчанлиги
- Ноанъанавийлиги
- Ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилишдан чўчимаслик
- Истиқболни кўриш

Прогноз қила олиш каби хусусиятларнинг мақсадли тарбияланиши ва шакллантиришига боғлиқ педагогик жараёндир

Ақлнинг пешқадамлиги - белгиланган муддатда кўпчилик ўйлаб кўришга улгурмайдиган муаммолар бўйича бир эмас, балки бир неча ечимларни кўрсата олиш ҳамда уларнинг барчасининг ўзига хос салбий ва ижобий томонларини асослаб бера олиш қобилияти.

Таълим муассасаси раҳбарининг тафаккурнинг эгилувчанлиги – таълим жараёнида қабул қилинган ва анъанавий мавжуд бўлган, аслида тўғри деб ўйланган шаблон йўналишлар ва тамойилларнинг замонавий тараққиёт учун жавоб бера олмай қолганлигини англаш, янги йўналиш ва чораларни сезиш, уларни тафаккур қила олиш ва шакллантира билиш, ўз фаолиятини янгитдан кура олиш ва масала ечиминининг янги йўналишларига ўзини сафарбар эта олишдир.

Таълим жараёнида прогноз, башорат қила олиш эса – таълим ривожига истиқбол ўзгаришлар моҳияти, келиб чиқиш сабалари ва юзага келиш муддатларини тафаккур таҳлили орқали олдиндан англаш тафаккури ҳисобланади. Масалан меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши ва пасайиши, конъюктура, ёки бозорнинг ўзгариши ҳамда мазкур ўзгаришларнинг соҳага бўлган таъсири, нархларнинг кўтарилиши ва пасайиши в.б.

Бошқарувда ва қарор қабул қилишда таълим муассасаси раҳбари доим масъулиятни ҳис қилиши лозим. Раҳбар креатив тафаккуридаги ақлнинг пешқадамлиги ва эгилувчанлигини махсус абстракт машқлар ва билимлар асосида тарбиялаш мумкин ҳисобланади. Креатив тафаккури мақсадга йўналтирилган, аммо шу вақтгача маълум бўлмаган ва анъанавий тарзда тажрибага киритилмаган батамом янги усул, йўл, воситаларнинг танланиши ва ишлаб чиқишини англатади. Замонавий менежментда креатив тафаккур амалиётини билдирувчи маълум система шакллантирилган, уларни куйидагича белгилаб кўрсатиш мумкин:

Аналитик таҳлил жараёни - тайёргарлик, ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд аҳвол таҳлили, ахборотларни умумлаштириш, кўрсаткичларни таққослаш.

Концентрация жараёни – муаммо атрофида ақлий салоҳиятнинг мужассамлашуви, маълум фактлар, улар системаси таҳлили. Ақлий салоҳият етишмовчилик жараёнидан ўтиш. Мазкур жараённи босиб ўтишга интилиш. Онг фаоллигининг дам бадам кўтарилиши ёки пасайиши. Инсоннинг муаммо таҳлиliga берилиши, натижада турли янги ностандарт ғояларнинг туғилиши ва шаклланиши.

Ғоялар инкубацияси жараёни - ақлий концентрация жараёнида юзага келган барча мавжуд ғоялар онг ортига ўтиб, улар мудроқ ҳолга келтирилади. Тафаккур қилиш жараёнида улар методологик асосларда қайта таҳлилдан ўтказилади. Шахсий цензура янги ғояларнинг барчасини ахлоқий – маънавий ва қадриятлар нуқтаи назаридан назоратдан ўтказилади. Сўнг мазкур ғоялар пишиб етилган тарзда инсон психикасига ўтказилади.

Ғоялар қидириш йўлидаги паст-баландлиги, тўлқинли таракқиёт жараёни - ғоялар таҳлилини амалга оширилганда инсон тафаккури ўзини тинч ва осуда тутмайди, балки турли кескин ҳаракатларга мойил бўлади. Шу боис одам бирданга бир мавзуга, салдан кейин бошқа бир мавзуга ўтиб кетади.

Анализ ва синтез жараёни - креатив тафаккур фаолиятни натижаларини таҳлил қилиш жараёни.

Мантиқий таҳлил жараёни. Бу даврда пишиб етилган барча ғоялар яхлитлик ва умумийликда таҳлилдан ўтказилади. Ҳамда креатив тафаккур меҳнатининг натижаси сифатида сўнгги қарор қабул қилинади. Мазкур креатив тафаккурнинг амал қилиш ва иш олиб бориш услубиятига доир қарашлар унинг узоқ давом этишини эмас, балки қанчалик мураккаб жараён эканлигини, шу билан бирга тезлик билан амалга оширилишини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарнинг қарор қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида улар шахсида креативликни тарбиялаш бўйича куйидаги тавсияларни бериш мумкин:

ўз тафаккурингизни муаммоли вазиятларда қарор қабул қилишнинг оригинал ечимларини топиш ва уларни тарғиб қилишга чақиринг, қарор қабул қилишда янги усул ва ғояларни ишлаб чиқишга ўзингизни мажбурланг;

қарорлар қабул қилаётганингизда бошқа инсонлар сиз тўғриварида нотўғри

тушунчага боришидан чўчиманг;

қарорлар қабул қилишда муаммоли вазиятни кенг мушоҳада этинг, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланинг, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобиғидан меъёр даражасида чиқиб кетишга ҳаракат қилинг;

агар қарор қабул қилишда биринчи тажрибангиз муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибаларингиздан воз кечманг, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттиринг, масала ечимининг бошқа вариантларини топинг, бошқа йўللارни қидиришда давом этинг;

қарорлар қабул қилишда дискуссия ва баҳс учун доимо очиқ бўлинг, баҳсни ўзингизга қаратилганлигига ишонманг, баҳсни тўғри ташкил қилинг, ўз фикрларингизни баҳс жараёнида назорат қилиб боришга ҳаракат қилинг;

қарорлар қабул қилишда қутилмаган, англаб етиш қийин бўлган ва тушунарсиз нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилинг.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактаби раҳбарининг қарор қабул қилиш жараёнидаги креативлиги - ўрганилаётган аниқ объектлар билан боғлиқ мантиқий, методологик ва ижтимоий фаолияти элементларидан иборат бўлган мустақил фикрлаш компетентликларининг тўплами бўлиб, унга мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш, рефлексия, фаолиятга шахсий баҳо бериш борасидаги билим ва малакаларнинг шаклланганлиги маъносидан тушунилади. Масалан, ўрганилаётган объектларга нисбатан раҳбарлар креатив кўникмалар, яъни билимларни бевосита борлиқдан олиш, ностандарт вазиятларда муаммони ҳал этишнинг ҳаракат усуллари ва эвристик методларини танлаб билиши қабул қилинаётган қарорнинг муваффақиятини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

Анфилатов В. С. Системный анализ в управлении М.: Финансы и статистика, 2002.

Воробьев С. Н. Управленческие решения Текст. / С. Н. Воробьев, В. Б. Уткин, К. В. Балдин. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. — 317 с.

Назаров А. Принятие управленческих решений как психологическая проблема // Вестник интегративной психологии. – Международный научный журнал. г. Ярославль, 2019., №19.

Назаров А. Принятие управленческих решений как основная функция современного менеджера // Вопросы экономики и управления. - Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №2.

Nazarov A. Psychological analysis of levels of administration of management decisions. // Вопросы экономики и управления.-Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №3.

Nazarov A. Adoption of management decisions as the main function of the modern manager // Проблемы современной экономики: материалы IX Междунар. науч.конф. г. Казань, апрель, 2020 г.

## ГЕНДЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФАКТОРОВ РИСКА СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ

Султанова Амина Анваровна

Преподаватель кафедры «Практическая психология»

Ташкентского государственного педагогического университета им.

Низами

---

*Аннотация:* В статье рассматриваются гендерные аспекты аутоагрессивного поведения подростков. Гендерная идентичность, являясь одной из базовых структур самосознания, играет определяющую роль в процессах адаптации и саморегуляции формирующейся личности.

Статья посвящена проблеме роста суицида в мире и в нашей стране, в частности. Рассматривается предположение о влиянии гендерного фактора на особенности проявления суицидального поведения подростков; тинейджер.

*Ключевые слова:* аутоагрессия; гендерные особенности; суицидальное поведение; нарушение адаптации; самоповреждающее поведение; семья; семейные ценности; подросток; депривация.

## GENDER-SPECIFIC RISK FACTORS FOR SUICIDAL BEHAVIOR IN ADOLESCENTS

Sultanova Amina Anvarovna

Teacher of the Department «Practical Psychology» Tashkent State Pedagogical  
University named after Nizami

---

*Annotation:* The article deals with gender aspects of adolescents' auto-aggressive behavior. Gender identity, being one of the basic structures of self-consciousness, plays a decisive role in the processes of adaptation and self-regulation of the emerging personality.

The article is devoted to the problem of the growth of suicide in the world and in our country in particular. The assumption about the influence of the gender factor on the features of the manifestation of suicidal behavior of adolescents is considered; teenager.